



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 15 феврал, шанба № 26 (1451)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Улуғнор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида ўнта оила уй тўйларини ўтказишди. Ун икки сотих томорқага эга бўлган шинам кotteжлар қишлоқ аҳолисига текин берилди. Турар жойлар қишлоқ инфратўймасини яхшилаш ва чўлқуварларнинг турмуш шароитини яхшилаш дастури бўйича вилоят ҳўқимлиги маблаглари ҳисобидан қурилди. Шунингдек, «Истиқлол», «Пахтаобод», «Жалолқудук», «Улуғнор», Мирзажон Эминов номидаги ширкат ҳўжаликларида ҳам жами 200 та уй қурилди. Мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган 2003 йилда туманда 248 ўринли мактаб ва қишлоқ врачлик пункти қурилиши мўлжалланмоқда.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолининг чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хизматларида бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, уларнинг тармоғини, айниқса хизматлар кўрсатиш даражаси республика бўйича ўртача даражадан паст бўлган минтақаларда янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари ва «Маиший хизмат маркази» очик акциядорлик жамияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўқимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантириш дастурлари маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўқимликлари «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари, «Маиший хизмат маркази» очик акциядорлик жамияти, «Савдо», «Матлуботсавдо» худудий компаниялари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳўқимлигининг Савдо, хизматлар соҳаси ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш департаменти иштирокида кўрсатишга дастурларни амалга ошириш бўйича жойларда амалий ишлар ташкил этилишини таъминлансин.

2. Белгилансинки, дастурларда назарда тутилган чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш савдо, маиший

хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва корхоналарининг ҳамда тадбиркорларнинг ўз маблаглари, шунингдек тижорат банклари ва бошқа молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўқимликлари: «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари ва «Маиший хизмат маркази» очик акциядорлик жамияти иштирокида чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришнинг аниқ дастурларини (аҳоли пунктлари бўйича) бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, бунда барпо этилаётган объектларни мавжуд савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг кўрсатилаётган хизматларга бўлган эҳтиёжи таъминланмаётган туманлар, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштиришга алоҳида эътибор берсинлар;

4. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларда тегишли йиллар учун белгиланган топириқларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам асосда, келишилган жадвал бўйича мониторинг олиб борсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2003 йил 13 феврал

И.КАРИМОВ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху!
Қувайт давлати, халқи ва раҳбарияти номидан Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сизга, биродар Ўзбекистон халқига ва ҳўқиматингизга самимий табрикларини қабул қилгайсиз.
Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан шаҳсан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига раванқ ва фаровонлик тилайман.
Дўстона муносабатларимизни эътироф этган ҳолда, Сизни бундан кейин ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ниятида эканимизга ишонтираман.
Энг эзгу тилак ва Сизга бўлган буюк ҳўрматини қабул қилгайсиз.

Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОХ, Кувейт Давлати амири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан, БМТнинг озиқ-овқат ташкилоти ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, муваффақият ва энг эзгу тилақларимни йўллашга ижозат бергайсиз.
Аллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингиз халқига тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Айёмингиз муборак бўлсин!

Жак ДИУФ, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти Бош директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асрасин!
Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилақларини йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.
Қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига раванқ ва фаровонлик, ислом умматига эса хайр-барокат ато этишини сўрайман.
Айёмингиз муборак бўлсин!

Мухаммад бин Халифа Ол МАКТУМ, Дубай Амирлиги Ер ва кўчмас мулк вазири

Бугун Қорақалпоғистонда тўрт минг беш юз етти фермер ҳўжалиги бўлиб, уларнинг ихтиёрида 152 минг 718 гектар ер бор.

ФЕРМЕРЛАР САРҲИСОБИ

Сўнгги беш йилда республикада фермерлар сонини кескин ошди. Шунга яраша маҳсулот миқдори ҳам сезиларли даражада кўпайди. Аммо, нимагадир, ҳосилдорлик йил сайин пасайиб бормоқда. Масалан, беш йил илгари бир гектар пахта майдонидан ўн беш центнердан зиёдроқ ҳосил олинган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 11,3 центнерни ташкил этди. Сабзавот ва поллиз екнларининг ҳам ҳосилдорлиги анча пасайган.

Фермерлар томонидан шартнома шартларининг бажарилиши ҳам қониқарли эмас. Ўтган йили бор-йўғи 481 фермер ҳўжалиги давлатга маҳсулот топшириш бўйича шартномани бажарган, ҳолос.

Нукус шаҳридаги «Туркистон» ёшлар марказига йиғилган қорақалпоғистонлик фермерларнинг иккинчи конференциясида ана шулар ҳақда сўз борди. Унда мавжуд муаммо ва камчиликлар кенг таҳлил этилиб, келгуси вазиқлар белгилаб олинди.

(УЗА)

«ТАШАББУС-2003» БОШЛАНДИ

Юқоричирчиқ туманида бўлиб ўтган танловда кичик корхоналар, фермерлар ва бадий хўнармандлик соҳаларида халқимизнинг ўзига хос анъаналарини давом эттираётган қўли гул усталар тай-

ёрлаган маҳсулотлар намойиш этилди.

Қурик-танловда ўттиздан ортиқ тадбиркорлик тузилмаси, кичик ва ўрта корхона, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, хўнармандлар ўза-

ро беллашди. Тадбиркорлик йўналишида «Салдо» хўсусий корхонаси, фермерлик йўналишида «Қоратухум» фермер ҳўжалиги, хўнармандлик йўналишида эса «Бекашов-Д» хўсусий корхонаси биринчи ўринни кўлга киритди.

(УЗА)

Мехнат жамоасида ишнинг бориши, шарт-шароитнинг қандайлиги, ишловчилар кайфияти кўп жиҳатдан касабга уюшма ташкилотининг фаолиятига ҳам боғлиқ. Энг оммавий жамоат ташкилоти мехнатқашлар ҳақ-ҳўқуқининг устувор ҳимоячиси сифатида давр талабига, бозор шароитига ҳамроҳ равишда ҳаракат қилиши лозим. Бироқ Қумқўрғон туманидаги «Турон» ҳўссадорлик жамиятида бўлганимизда ишчи-хизматчиларнинг касабакўм раиси ҳақидаги фикрларини эшитиб, фойдага хайратландик. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида у билан суҳбатлашиш пайида бўлдик.

Таажжубки, эрталаб соат ўн бўлишига қарамастан касабга уюшма етакчиси ишга келмаган экан. Орадан 45 дақиқа ўтган у билан рўбарў бўлиш насиб этди. Кечикканининг сабабини сўраганимизда:

- Ишнинг мазаси йўқ, кайфият ҳам шунга яраша, - дея жавоб берди.
- Турмамат Бойқобилов бироз фикрларини жамлагач сўзида давом этди:
- Бу ерда жамият раиси ҳамма ишни ўз қўлига олган. Бўйсунувчи одам бўлганидан кейин май-

лига юришга мажбурсан... Касабакўм раисига хонасида суҳбатлашишни таклиф этдик. Лекин унга ажратилган махсус хонанинг ўзи йўқ экан. Маънавият ва маърифат хонасидан фойдаланиб тураркан. У ерга қадам ранжида қилишимиз билан хайратландик. Негаки, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Хонанинг поли-

БОШБОШДОҚЛИК

Таажжуб!

да ишчилар дам олиш учун йўлланма ажратилишини сураб касабакўм раисига мурожаат этишган. Бироқ уларнинг илтимослари қондирилмаган. Негадир Агротранспорт мажмуи ходимлари Қумқўрғон туман касабга уюшма қўмитаси йўлланма бермаётганлигини, қарзлар кўпайиб кетганлигини рўқач қилишди.

Қаерда исном омиллига эътибор яхши бўлса, мехнат кадрланса иш юришади, янги-янги ташаббуслар юзага келади. Цехларда бўлганимизда одамларнинг шашти пастлигини сездик.

- Маош вақтида берилмагач,

кайфият нима бўларди, ука, - деди кекса ишчилардан бири. Билдикки, корхонанинг иш ҳақидан қарзи 43 миллион сўмдан ошди. Шунда касабакўм раиси мехнатга ҳақ тўлаш бўлими бошлиги Н.Шералиевни бошлаб кирди. Бўлим бошлиғи ўзи ҳам анча вақтдан буён маош олмаётганлигини, жамият раиси Х.Улуғнов ҳақли эътирозларга белпесанд қараётганлигини таъкидлади.

Корхонада мехнат муҳофазаси ҳақида ҳам эътирозли гаплар бўлди. Аммо бунинг сабабларини билиш учун муҳандис Урол Марданқуловни қанчалик изламайлик топишини иложи бўлмади. Хуллас, бу ерда ўзибўларчилик, бошбошдоқлик ҳўкм сурмоқда. Сурхондарё вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма қўмитаси мутасаддилари ташвишли ҳолга тўғри баҳо берди, ишни ўнглаш, ишчи-хизматчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ойлик маошдан қарздорликни бартафоз этиш, ижтимоий ҳимояни намунали йўлга қўйиш ҳақида жиддий бош қотирмас эканлар корхонани танг аҳволдан олиб чиқиш муаммо бўлиб қолаверди.

«Сирдарёмаҳаллийсаноат» акциядорлик компаниясига қарашли «Қиммат она» масъулияти чекланган жамияти 2003 йилда 40 миллион сўмлик кийим-кечакларни тайёрлаш учун шартнома тўзди.

ЭНГ ЯХШИ СПОРТ КИЙИМЛАРИ

«Қиммат она» масъулияти чекланган жамияти бундан уй йил аввал Гулистон тикув-голонтерия фабрикаси негизиде ташкил топганда. Корхона фаолиятининг бошланғиқ вилоят истеъмол бозорига турли кийим-кечакларга бўлган эҳтиёжини ўрганди. Маркетинг тадқиқотлари алоҳида кўпроқ кўрпа-тўшак, чойшаб, махсус кийимларга талаб катта эканлигини кўрсатди. Айни юқориде номлари тилга олинган маҳсулотлар кўпроқ ишлаб чиқарила бошланди. Ўтган йили тикувчилар 7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришди.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Кашқадарё вилоятда республика Ақушерлик ва гинекология, Саломатлик институтининг филиаллари фаолият кўрсатаётганлиги аҳолига тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини яна ҳам яхшилашга имкон яратди.

Вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Раҳматилла Раҳмоновнинг таъкидлашича, тиббиётни ислоҳ қилишдаги ижобий ишлар ўз самарасини бераёпти. Шифо масканлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. 15 та «Тез тиббий ёрдам» автотомашинаси аҳолига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, республикада ягона бўлган компьютерли томограф аппаратурини таъмирлаш учун 38 миллион сўм миқдорига маблаг ажратилди. Сўнгги 3 йилда уч мингга яқин врачлар, 6700 дан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларидаги клиникаларда маҳоратларини ошириб қайтидилар. Унга яқин мутахассислар Россия Федерацияси, Украина Республикаларида малакаларини оширдилар. Бундан ташқари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида кўплаб хориқлик фирма ва компаниялар вакиллари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда вилоятда Франция, Германия «ХОУП» ташкилоти, Германиянинг «ДОТС» дастурлари бўйича ҳам иш олиб борилаёпти. Япония гранти бўйича жиҳозлар олинган бўлса, Исроил давлатининг тажрибали офтальмологлари беморлар кўзига бепул сунъий гавҳар қўйишни амалга оширишди.

Уз навбатиде соғлиқни сақлаш ходимларининг мазмуни дам олишларини ташкил қилиш учун шароитлар яратилаёпти. Сиҳаттоҳларга бепул йўлланма берилиб, дам олдиришга юбориш Бош бошқарма касабга уюшма қўмитасининг диққат марказида.

- Яқинда жамоа шартномаси бандларига кўра бошқарма ходимларининг умумий йиғилишида яна бир хайрли ишни амалга оширишга келишиб олдиқ, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси касабга уюшма қўмитаси раиси Шерой Шероёв. - Маъмурият ҳамда касабга уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ходимларга имтиёзли тушлик ташкил этилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида Президент Фармонлари, Давлат дастурларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш, аҳоли саломатлигини, хўсусан келажакимиз эгалари бўлган болалар соғлигини муҳофазат қилиш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, самарадорлигини яхшилаш, тиббиёт соҳасида энг замонавий усулларни жорий қилиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Кейинги уч йилда вилоят қишлоқ ва овулларида 102 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги тиббиётни ислоҳ қилиш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Ҳар бир қишлоқ врачлик пункти қуриш учун ўртача 35-40 миллион сўм маблаг ажратилиб, зарур ускуналар билан таъминланди.

И.ШАВКАТОВ.



(Давоми 2-бетда)

Ижтимоий муҳофаза ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ

ҳеч кимни унутмайди

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти кўнгилли, мустақил, ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат халқаро жамоат ташкилоти бўлиб, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича муайян ишларни амалга ошироқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қабул қилган Фармон ва қарорлари ижросининг бажарилишида жамиятнинг алоҳида ўрни бор.

Мазкур жамиятнинг Жиззах вилоят кенгаши тизимида ушбу ташкилотнинг шаҳар ва туман бўлимлари ташкил этилган бўлиб уларда, 43 нафар ходим ишлабди.

Утган йили 1800 дан зиёд қаровчисини йўқотган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар, кам таъминланган серфарзанд оилаларга 500 минг сўмлик тиббий, 2 миллион сўмлик моддий инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, ҳар йили Зомин тумани Ём қишлоғидаги Муруват уйига, Зарбдор туманидаги 1- ва 2- ноғирон болалар махсус интернат мактаблари, Фориш туманидаги «Чўпон» болалар интернати, Пахтакор туманидаги 31, Жиззах шаҳридаги 32-интернат мактаби, вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази ҳамда 29-Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиларига кўмак бериб келмоқда.

Айни пайтда жамият ҳамширалари 66 нафар ёлғиз қариялар ва 231та кам таъминланган хонадонларга бориб, беморлар ҳолидан хабар олиб туришибди. Уларга тиббий, ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатмоқда. Вилоятнинг Бахмал, Галлаорол, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Фориш, Пахтакор туманлари ҳамда Жиззах шаҳрида, айниқса, бу иш яхши ташкил этилган. Фавқулодда вазиятларда аҳолини ўзига ва ўзгаларга биринчи ёрдам кўрсатишнинг ўргатиш бўйича шартномалар асосида жойларда семинарлар бўлиб ўтаётди. Тоғолди ҳудудларида жойлашган Бахмал ва Галлаорол туманларида бундай тайёргарлик бўйича амалга оширилган 2 та лойиҳа дастури муваффақиятли аяқланди. «Новак» қишлоғи аҳолиси ўқитилиб, ўргатилди. Галлаорол туманида 9 гектар майдонда 9150 туп қўчат ўтказилиб, Қизил Ярим Ой жамияти боғи бунёд этилди. Бу лойиҳалар харажати 4 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой Федерацияси томонидан қопланди.

Утган йили Финляндия Қизил Ҳоч жамияти томонидан 2,5 миллион сўмлик компьютер, видеокичилик ва мебел жиҳозлари Ешлар марказига берилди. Бу масканда вилоят ёшлари-жамиятнинг содиқ кўнгилчилари, ёшлар ўртасида инсонпарварлик тамойиллари асосида соғлом турмуш тарзи, санитария-гигиена билмлари, инсонпарварлик ҳуқуқларини кенг тарғибот қилишда фаол иштирок этишмоқда.


Ҳар йили республика бўйича декабр-январ ойларида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қарорларига асосан, жамиятга ҳайрия кўрсатиш ўн кунлиги ўтказилади. Вилоятнинг барча ташкилотлари ушбу ўн кунликда фаол иштирок этишади. Ҳайрия ҳисобидан жамият ҳисоб рақамига 2,5 миллион сўм, аъзолик бадалларидан 4 миллион сўм маблағ туширилди.

Жамиятнинг Зафаробод, Галлаорол, Янгиобод, Зомин туманлари кенгашларида олиб борилаётган ишлар иборатлидир. Хусусан, Зафаробод тумани кенгаши ўз ёрдамчи хўжалигига эга, 10 гектар ерга пахта экиб, ўтган йили 450 минг сўм даромад қилди. Галлаорол тумани кенгаши тасарруфидида 1 гектар тоқзордан 400 минг сўмлик фойда қўришди.

Жамиятнинг вилоят Кенгаши ўз фаолиятини саховатли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши, фавқулодда вазиятлар, муҳофаза ишлари, халқ таълими, давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармалари, Жиззах автотўли, Тадбиркорбанк, Пахтабанк, Жиззах шаҳридаги «Тошлок» маҳалласи, вилоят электр тармоқлари корхонаси жамоялари ҳомийлик кўрсатиб келишмоқда.

Бир сўм айтганда, жамият инсонпарварлик тамойили асосида иш юритишни ўз олдига қўйган бош мақсадлардан бирига айлантараётди.


Бўрибой НОРКУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.



Пойтахтимиздаги «Файз Холдинг» компанияси республикаимиздаги йирик корхоналардан бири. Хозирда 400 хилдан зиёд халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот асосан кўшни Қозоғистон, Тожикистон ва Ҳамдўстлик мамлакатларига экспортга жўнатилапти. Айни пайтда бу ерда 2 мингдан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилган. Хусусан, санаторий ва профилакторийларда дам олишлари учун имтиёзли йўланмалар билан таъминланапти.

Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.

Шоҳрух САРИЕВ
олган суратлар.



Тадбир ИЛГОР ТАЖРИБА КЎПЧИЛИК МУЛКИ

Тўрақўрган туманидаги «Ибрат» ширкат хўжалигида «Меҳнат-қашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг аҳамияти» мавзусида амалий ва кўрсатмалар семинари бўлиб ўтди. Унда вилоят туманлари касаба уюшма тармоқ кўмиталарининг раислари, хўжалиқлар ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этишди.

Анжуман иштирокчилари Аграроноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси раиси Шамсиддин Эсонбоев ҳамда Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Каримжон Раимжоновнинг долзарб мавзуларидаги чиқишларини тингладилар. Илгорлар тажрибасидан бохабар бўлишди.

Шунингдек, ана шундай амалий кўрсатмалар семинари Учқўрган шаҳридаги мой-экстракт корхонасида ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

(Боши 1-бетда)

Қаҳрамонимиз ана шундай эзгу ниятлар силсиласида меҳнат фаолиятини бошлади. Унинг меҳнат дофтарчасида мана салкам 30 йилдирки йиғирувчи, деган сўз ёзилган. У ўз касбига садоқат кўрсатиб улкан муваффақиятларга эришди. Бу орада у гиждувонлик Садриддин деган механик йигитга турмушга чиқди. Икки фарзандли бўлди. Меҳнати билан элга танилди.

Ҳа, ният ёруғ нур. У аввал кўнгилни ёритади, сўнгра ҳаёт йўлини. Бу ҳақиқатга соодат сохибаси ҳаётида бир неча бор рўпара келган. Ушундан 1995 йилнинг сўнги кунлари эди. Мартяҳоним «Шухрат» медали билан тақдирланган. Мукофотни топишириш маросимига Тошкентга кетаётган эди. Сафарда истараси иссиқ, юз кўзларидан нур ёғилиб турган аёл унга ҳамроҳ бўлди. У Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова эди. Мартяҳонимни

кўксига Олтин Юлдуз порлаб турган оддий, савимий чехрали опахонга дилдан ҳаваси келди, чин ихлос билан унинг

ти раиси Шукрулла Давиров эса «Корхонаимизда биринчи юлдуз порлади, у бошқа юлдузлар йўлини ёритсин» деб ният қилди. Мартяҳоним эса одатдагидек камтарлик билан:

«Ишларимнинг ривожи аввал юртим осойишталигидан, кейин ҳоли ниятдан. Қолаверса, менга берилган қаҳрамонлик биринчи галда меҳнаткаш халқимга берилган мукофотдир.

Менинг устозим эса она халқимдир. Мана ўша қувончли дамларга ҳам уч йилдан ошди. Унинг кўч ўшида жонанжон корхонаси мамлакат аҳамиятига молик йирик ишлаб чиқариш даргоҳига айланди. Истиклол тунининг «Бухоротеко» ўзининг иккинчи умрини бошлади. 1994 йилда Швейцариянинг «Ретер» йиғирув мажмуаси ўрна-тилганидан кейин корхо-

на ривожланиш бос-чуқиниғ кўтарилди.

Кейинчалик бу замонавий дастгоҳлар қаторига Германиянинг «Кемницер

Шпинеррайшинебау», «Гроссенхайнер», Япониянинг «Мурата», «Тайота» фирмаларининг янги машиналари ўрнатилиб, калава ишлаб чиқариш қуввати йилга 2010 тоннадан ошди.

Айни кунларда ҳиссадорлик жамияти ўз таркибиде йиғирув, тўқув ва тикув ишлаб чиқариш мажмуаларини бирлаштирган. Дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда ҳам савдо уйи борлиги мактовга сазовордир. Икки йил олдин АКШнинг пойтахти Вашингтонда «Бухоротеко» савдо уйининг очилиши корхона нуфузини янада оширди.

Бу улкан муваффақиятларни кўлга қириштида Мартяҳонимнинг ҳам ҳиссаси катта. У тўрт да-

стгоҳдаги 1504 та урчуқнинг ишини моҳирлик билан назорат қилиб, пахта пиликларининг толага айлиниб, галтакдан ролик орқали валга ўтишини ва ингичкалашиб ипга айланишини кузатиб туради. Бордию урчуқлардаги ипнинг бирортаси узилиб, вақтида уланмаса ёки роликдаги чанг толарани ўз вақтида тазаламаса тўқувчилар учун зарур сифатли калава ип тайёрлаш мушук. Мартяҳоним эса ўз ишининг моҳир устаси сифатида ҳар кунни дастгоҳлар орасида, айтиш мумкинки, 25 километрлик йўл босиб ўтади.

Ўзининг камтарона меҳнати билан элга, элдошларига фойдаси тегаётганидан мамнун. Қаҳрамонни аслида қаҳрамон қилган ҳам ана шу фидойилиги; ўз ишига садоқати ва самимиятидир. Донулар айтганидек, оддийлик ва самимият буюклик чўққисидир.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири.

БАХТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

хунараманд қўлларини ушлади. Опахоннинг қалбидаги ниятлари қуртак қилди. Икки фарзандли бўлди. Меҳнати билан элга танилди.

Ҳа, ният ёруғ нур. У аввал кўнгилни ёритади, сўнгра ҳаёт йўлини. Бу ҳақиқатга соодат сохибаси ҳаётида бир неча бор рўпара келган. Ушундан 1995 йилнинг сўнги кунлари эди. Мартяҳоним «Шухрат» медали билан тақдирланган. Мукофотни топишириш маросимига Тошкентга кетаётган эди. Сафарда истараси иссиқ, юз кўзларидан нур ёғилиб турган аёл унга ҳамроҳ бўлди. У Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова эди. Мартяҳонимни

кирмайди. Шунингдек, антигний жазо берилганиги тўғрисидаги буйруқ ҳодимга маълум қилиниб, ундан тушунтириш хати олинди.

Меҳнат Кодексининг 181-моддасига биноан ҳодимга меҳнат интизомини бузганиги учун иш берувчи қўидаги интизомий жазо чораларини қўллаши мумкин:

а) ҳайфсан;
б) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;
(Ички меҳнат тартиби қондаларида ҳодимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Аммо ҳодимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш Меҳнат Кодексининг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши);
в) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу

моддада назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади. Интизомий жазо амал қилиб турган мuddат мобайнида ҳодим раббатлан-тиришлардан қайрилиб қўиладди. Жазонинг амал қилиш мuddатига келсак, жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак. Агар ҳодим шун мuddат ичида яна интизомий жазога тортил-маса, у интизомий жазо олганга ҳисобланади.

Шунингдек, ҳодимга интизомий жазо қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, унинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ҳодимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига биноан жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, интизомий жазо устидан яқка меҳнат низо-ларини кўриш учун белги-ланган тартибда шикоят қилишини ҳам мумкин.

Саволингизга ЎзКУФКнинг ҳуқуқ бўлими мудири Абдулла АЛИМУҲАМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: маъмурият томонидан ҳодимга (бир ой давомида ишга келмаганлиги учун) қандай интизомий жазолар қўллаш мумкин?

С.САЙДУЛЛАЕВ,
Чироқчи тумани.

ЖАВОБ: корхонада меҳнат тартиби иш берувчи, касаба уюшма кўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вақиллик органи билан келишиб тақдирланадиган ички меҳнат тартиби қондалари билан белги-ланади.

Ҳодим ўз меҳнат вази-фаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизо-мига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фар-мойлиларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, техно-логия интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавф-сизлиги ва ишлаб чиқариш тартиби қондаларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкни авайлаб асра-ши шарт. Шунингдек, ҳар бир ҳодим ўзига юклати-ладиган меҳнат вазифала-ри доираси билан олдиндан таништирилиши лозим. Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шах-сар томонидан қўлланила-ди. Аммо интизомий жазо қўлланилишидан аввал ҳо-димдан ёзма равишда тушу-нтриш хати олиниши лозим. Ҳодимнинг тушунтриш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-харақати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайдди. Интизомий жазони қўллашда содир этилган но-ҳўя хатти-харақатнинг қан-чалик жиддийлиги ёки оғир-лигига баҳо беришда содир этилган вазият, ҳодимнинг олдинги иши ва ҳулқ-атвори ҳисобга олинади. Ҳар бир ноҳўя харақат учун фақат бит-та интизомий жазо қўллани-

лиши мумкин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, интизомий жазо бевосита ноҳўя харақат аниқ-

Ножўя харақат содир этил-ган кундан бошлаб олти ой ўтганидан сўнг корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини



лангандан кейин, аммо ушбу харақат аниқлангандан бош-лаб, ҳодимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узои билан бир ой мuddатда қўлла-нилади.

тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бош-лаб икки йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Аммо жиной иш бўйича иш юритилган давр бу мuddатга

Саволингизга ЎзКУФК ижтимоий сугурта бўлими мудири Журъат СУЛТОНОВ жавоб беради

САВОЛ: касаба уюшмалари-га қарашли санаторийлар ва дам олиш уйлари йўланма-лар кимга ва қай тартибда бе-рилади?

А.ЯРБЕКОВ,
Сайхунобод тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2002 йил 27 декабр-даги 12-14-сонли қарорига асосан санаторийлар ва дам олиш уйла-рига олинандиган йўланмалар қуй-

идаги тартибда берилади:
10 фоизгача – бепул;
90 фоизгача – умумий қийма-тининг 40 фоизини тўлаш йўли бил-лан.
Санаторийда доволаниш ва дам олиш учун бепул ва имтиёзли йўланмалар биринчи навбатда ишлаётган ноғиронлар ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, ўз ҳарбий хизмат бурчини ўтаётгани-да соғлиғи зарар қўрган байнал-милалчи жангчиларга, Чернобил

АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бар-тариф этишда қатнашган шахслар-га, Ўзбекистон Республикаси ол-дида хизмати сингган, ҳалол хо-димларга, ишлаётган меҳнат фах-рийлари ва ноғиронларга, дону-рларга, ўсмирларга, қўп болали, кам таъминланган оилаларнинг ишла-ётган аъзоларига берилади.

Санаторий ва доволаниш пан-сионатларига йўланма ва курсов-калар касаба уюшма кўмитаси қарори билан берилади. Йўлан-

малар ажратилаётганида касаба уюшмалари кўмиталари ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишлари зарур.

Касаба уюшма кўмитаси мавсу-мий талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда йўланмаларни тақ-симлашни тартибга солиш туради. Санаторий ва доволаниш пансио-натларига йўланмалар соғлиғи-ни тиклашга муҳтож бўлган, иш-лаётган ходимларга тиббий ҳуло-са асосида берилади.

Юқориде айтиб ўтганимиздек, йўланмалар касаба уюшма кўми-таси қарори билан тақсимланади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, йўланмалар ажра-тилаётганда ва улар ҳақини тўла-шда, имтиёзлар берилаётганида касаба уюшма кўмиталари ўз йўги-лишларида бў хамда жамоага ўлиқ ҳисобот беришлари керак. Кўми-та раиси ёки унинг аъзосининг шахсий қарори билан йўланма-лар берилиши тақиқланади.

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: 1972 йилда Тошкент Дав-лат педагогика институтининг кутуб-хонашунослик факультетини тугатиб, ўша даврдан бошлаб мазкур тизим-да ишлаб келмоқдам. Мен 55-зи-дан пенсияга чиқишга ҳақлиманими?

Собир КАРИМОВ,
Элликқалъа тумани Қимчиноқ овули.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12-майдаги 250-сонли қарори билан тақдирланган 3-руйхатнинг 7-

бўлимида маориф ходимларига имти-ёзли пенсия тайинлаш назарда тутил-ган:

- 1) кутубхоначилар;
- 2) кутубхона мудирилари ;
- 3) кутубхонада шўъба мудирилари им-тиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўла-дилар. Лекин, афсуски, сиз хатингизда кутубхона тизимида қайси лавозимда ишлаганингизни аниқ кўрсатмаган-сиз.

Саволингизга ЎзКУФК нинг ташкилий ишлар бўлими мудири Валижон КОЧКАРОВ жавоб беради

САВОЛ: ширкат хўжалигида касе-ба уюшма раиси қанча йилга сайла-нади ва қачон сайлов ўтказилади?

Илхом ҲАСАНОВ,
Сурхондарё вилояти
Денов тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон касаба уюшма-лари Федерациясига бирлашган касаба

уюшмалари Низоми ва агросаноат маж-муи ходимлари касаба уюшмасининг Низомига кўра ҳар қандай даражадаги касе-ба уюшма органлари 5 йил мuddатга сайланади.

Тармоқ касаба уюшма органларида сўнги ҳисобот-сайловлар 1999 йилда ўтказилган бўлиб, навбатдагиси 2004 йилга белгиланган.

Жиноятга жазо муқаррар

ФИРЦЕБГАР

Адашгани суяш, унга ёрдам бериш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш энг хайрли мuddаодир. Шу боис ҳам бундай шахслар Президентимиз Фармонлари шарофати билан авф этиляпти. Ҳат-то, улар иқтимоий муҳофазага олиниб, барча каби яшashi учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Бюджет маблағларидан моддий ёрдам аж-ратилиб, туриш-турмушларини изга солишда қўллаб-қувватланы-пти. Лекин, тасоффқи, айрим нафси ҳаққалак отган, нопок қимсалар тақдир мушкулликларидан ҳалос бўлаётган инсонлар насибасига чанг солимоқдалар.

Оданининг олмаси ичида, дейдилар. Базилар башанг қийиниб, сав-лат тўкиб юрса-да, кўнгида кир гавазли ният ниш урғун бўлар экан. Абдураззоқ Холиқулновни ҳеч ким адашганлар ҳақига ҳибнат қилади, деб ўйламаганди. Қўй оғзидан чўп олмайдиган, беозор кўрин-ган бу йигит нафс балоси йўлига кирди. Одиллар уни Бобевт туман ҳокимлиги фуқаролар муҳофазаси бўлими сифатида били-шарди. Ваколатли шах деб ҳурмат қилишарди. Ҳокимлик унга яна-да кўпроқ ишонандиган бўлди. 2001 йил 2 январиде унинг зиммасига туман ҳокими Фармоийиши билан иқтимоий кўнчилиқ маркази ишини юритиш вазифаси ҳам оқлатилди. Масъулият янада ортди. Зеро, у Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони билан жазодан озод этилганлар, мuddатни ўтаб қайтган фуқароларга иқтимоий-маиший ҳамда моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этиши зарур эди.

Инсон омили юксак кадрланаётган юртимизда ҳар бир фуқаро эътиборда. Гарчанд у билиб-билмай жиноятга қўл уриб қўйган бўлса-да, гам-ўрликдан бенасиб эмас. Улар оиласи, ўзига иқтимоий кўмак олиш имкониятига эга. Бу вазифа маҳаллий ҳокимликлар қошидаги иқтимоий кўнчилиқ марказлари зиммасидадир. А.Холиқулнов эса бу ваколатни ўз қарни билан ўлчади. У жазони ўтаб қайтган киши хонадонда қийинчиликлар бўлишини била туриб, моддий ёрдам кўрсатишда қийингарлик йўлини таллади. У мансаб вазифасини су-истеъмоил қилиб жазо мuddатини ўтаб қайтган фуқароларга ажра-тилган 95580 сўм ёрдам пулини илми-жимиде «сув қилди».

Иқтимоий кўнчилиқ марказига мурожаат қилган фуқароларга ёр-дам маблағи ажратилаётганини рўқат қилиб, таъмагарликка ружу қўйди. Чўноқни, фуқаро У.Аҳмедовага 17000 сўм пул бериб, 7000 сўмини чўнгага урди. Худди шундай йўл билан Х.Бойқоқредан 13000 сўм, Б.Ғойилназаровдан 10000 сўм, С.Азимовдан 12000 сўм, Н.Мар-қаевдан 29000 сўм, А.Ҳазратқулновдан 10000 сўм, У.Ҳазратқулновдан 10000 сўм, И.Турсунновдан 580 сўм миқдоридеги пуллари ағалари-га бермасдан «туя қилди». А.Холиқулнов шун ниятини ҳеч ким пай-қамайди, деб ўйлаган чоғи. Аммо, қўнғир ишини қийини қирқ йилда ҳам билинади. Прокуратура идораларининг Фармон ижроси юзаси-дан ўтказган текширишда фирбирнинг қирқдорлари очилди. Унга насбатдан жиноят иши қўзғатилиб, Бобевт туман Жиноят ишлари бўйи-ча суднинг ҳукми билан 3 йил аҳлоқ тузатиш жазосига ҳукм этилди.

Адашгани йўлга солиш бурч. Аммо, А.Холиқулновнинг иши бо-риб-турган баҳоят эди. Афсуски, ҳаётда А.Холиқулновга ўхшаганлар учраб тураркан бундайларни орамиздан сиқиб чиқариш, жиноят йўли-дан қайтариш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Мухаммаджон БЕКМИРЗАЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори, иккинчи даражали ҳуқуқшунос.



17-23 феврал

ТОШКЕНТ КЎРСАТҚАДИ

ДУШАНБА, 17

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати билан, душанба, 17 февраль кuni «Ўшлар» телеканали кўрсатувлари соат 14.00дан бошланади...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

СЕШАНБА, 18

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

9.20 «Рангин дунё». 9.40 «Бахтимизга омон бўлинг»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» почтаси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЧОРШАНБА, 19

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

15.25 «Солик ва биз». 15.45 «Ягона оилада»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

8.40 Газеталар шархи. «Болалар сайёраси»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

18.10 «Евроноёс» янгиликлар. 18.25 Хужжатли детектив...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

даражали бурчак остида». 85-кисм. 17.45, 19.40, 21.55 «Экспресс»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

11.35 «Ишбилармон кишилар». 11.55-12.55 «Дўстлик» видео...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...



Джамиаи маданият. Ташкент.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Ўшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23.5 даражали бурчак остида»...

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ




ФУТБОЛ БАҲОРИ ЯҚИН...

Фасллар келинчаги баҳор эшик қокмоқда. Бошқаларни билмадиғу, лекин футбол мухлислари учун бу галги баҳор ўзгача. Чунки, мамлакатимиз ёшлар жамоаси БАА да бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этса, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида юртимиз шарофини ҳимоя қилади.

Шу муносабат билан ҳар икки жамоа машғулотларга зўр бермоқда. Кун-кеча «Пахтакор» футболчилари навбатдаги ўқув-йиғини ўтказиш учун Туркиянинг Анталия шаҳрига учиб кетди. Улар бу ерда тўртта ўртоқлик-назорат учрашуви ўтказишди. Сафар 26-февралгача давом этади. Сўнгра улар сўнги тайёргарликни Тошкентда давом эттирадидлар.

Мулоҳаза ўрнида шунга айтиш мумкинки, Александр Гейрихнинг Москвадан МХСК жамоасига сотиб юборилши, Зайниддин Тожиёвнинг жароҳати, ҳимоячи Бахтиёр Ашурматовнинг «Ростселмаш» (Ростов) жамоасига ўтиб кетиши рост бўлса, бу пойтахтликларга Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида жуда қимматга тушиши мумкин. Тўғри жамоага янги футболчилар таклиф этилган, Максим Николаев (Кизилкум), Асрор Алиқулов (Насаф) билан шартномалар имзоланган бўлса, ҳужумчи Бахтиёр Хамидуллаев (Анджон), Олег Говриц (Судибёна), Вадим Котельников (Навбахор)лар ҳали мураббийлар назоратидан ўтмоқда. Бу футболчилар юқоридаги жамоани тарқ этган футболчилар ўрнини боса оладими? Бу саволга яқинлашиб келётган футбол баҳорига жавоб оламиз.

А. ЮНУСОВ.



МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Самарқанд шаҳрида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи давом этмоқда. Унда саксондан ортиқ академик лицей ва касбунаҳар коллежи ўқувчилари спортнинг 14 тури бўйича ўзаро беллашапти.


Кураш бўйича ўтказилган баҳсларда Тайлоқ бизнес мактаби, белбоғли кураш бўйича Пайарик қишлоқ ҳўжалик касб-хўнаҳар коллежи вакиллари ғолиб бўлди. Баскетбол бўйича Самарқанд банк коллежи спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА).

«Шоҳ ва шоир» чайнворди

1. Бобурнинг машҳур ашулага айланган ғазали сатрида «... савдоси тушти бошима боштин яна...» 2. Ўрта аср шарқдаги биринчи тарихчи аёл, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи. 3. Назм муҳлислари анжумани. 4. «Бобур» видеофильмида бош қаҳрамонни гавдалантирган театр санъаткори. 5. Шоирнинг Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор томонидан ёзиб қолдирилган асари таржимаси. 6. Шоҳ Жаҳоннинг учинчи ўғли, Ҳиндистондаги Бобурийлар Сулоласининг йирик вакили. 7. Шоирнинг нодир, қомусий асари. 8. Бобур таваллуд топган шаҳар. 9. Шоир маънавий устоз деб билган ва учрашишни орзиқиб кутган мутафаккир шоир. 10. Воқеа-ҳодисалар даврларига кўра қайд этилган манба. 11. Шарқона шеъринг вазн. 12. «Мубайин» рисоласида тартиб-ҳодисалар баён этилган мусулмонликдаги учинчи фарз. 13. «Бобурнома»да маълумотлар баён этилган ватанимиз маркази, шаҳар. 14. Тўрт мисрали шеър тури. 15. П.Қодировнинг «Юдзули тунар» романи қаҳрамони. 16. Бобур ободонлаштирган Афғонис-

тондаги шаҳар. 17. Китобни қўйиб ўқишдан фойдаланилган жиҳоз. 18. Бобурнинг биринчи ўғли, Ҳиндистон ҳукмдори. 19. Шоирнинг онаси номидан Кутлуг... 20. Назмий асарлардаги севиқли, маъшуқа мазмундаги сўз. 21. Бобуршунно оlima «Бобурнинг Қобул ва Ҳиндистондаги давлати» илмий асари муаллифи. 22. Дўстлар, севиқли. 23. Шеъринг тўплам. 24. Икки тилда маҳорат билан ижод қилувчиларга бериладиган ном. 25. Бобур мақбараси жойлашган Қобулдаги «Боғи Бобур»нинг аввалги номи. 26. Шоир ҳукмдорлик қилган мамлакат. 27. «Бобур дилбар шахс. Уйғонши даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор одам бўлган. У адабиётни, санъатни севадди...» — таърифни берган Ҳиндистон давлати арбоби. 28. Шоирнинг отаси, темирўйсода ҳукмдор. 29. Бобур асарларида ифодаланган ва ҳукмдорлик ишларидаги жиҳат. 30. Бобур азиз деб билган манба. 31. Тезкор ёзилган шеър. 32. Бобур давлати пойтахти. 33. Шоир асарлари асосида тарихий-жўроғий маълумотларни баён этган ўзбек тарихчи олими. 34. Бобур ҳаётининг сўнги йиллари орзиқиб яшаган азиз маскан. 35. Бадий ижод соҳаси, шеърят. 36. Шоирнинг ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақдаларига оид 1521 йили ёзган асари. 37. Сўз устаси.



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

НИМ ТАБАССУМ

Бир аёл дугонасига шикоят қилди: — Ҳеч эримни ўргатаолмадим, ўргатаолмадим-да. Кармонини ҳаргал ҳар жойга қўяди.

— Вой болажоним-эй, деди она уст боши лойга беланган ўғлига, — кўчада қанақа ўйин ўйнай қолдинглар. Қарайдиган жойинг қолмабди-ку!

— Эсимда йўқ, ойижон. Лекин мен копток бўлувдим.

— Ўртоғингиз қайнона-сига жуда меҳрибон бўлиб қолибдими? — сўради хотин эридан.

— Мен ҳам шунга хайронман. Кунда, кунора гул олиб боради, дам ўтмай панжараларини бўяйди, боз устига оғзидан қўшиқ тушмаганини айтмайсанми...

— Яна ўлгинг чўнтагини титқилабди, — шикоят қилди эр.

— Нега ундай дейсиз? Балки мен титқилангандирман.

— Йўқ сен эмас. Сен ҳар ҳолда нимадир қолдирдинг.

А. АЛИЕВ.

Назм бўстониди

Истеҳзо аралаш мийғида кулиб, Осмонда ойлигинг қилган каби қайд Кўринмай борасан гоҳ ёйдек бўлиб.

Албатта, сен ҳақсан, Айбдор ўзим. Жавобсиз муҳаббат эгаси учун — Сабр-тоқат лозим, Қаноат-тўзим, Ишқ ишқми, Намоён этмаса кучин!

Фолбин ҳам банд-да, Туш кўрибдими, Кинначи момо жон қуйдиргани рост. Ҳамма гап шундаки, Қалбинг банд эди — Ойда акс этади бахтиёр кўш.

МУҲАББАТ

Бир сир бор, юракда илдиқ олади, Гуллар тўрт фасл ҳам мева солади. Ва охир оқибат... бўзлаб қолади — Муҳаббат, Нимадир ҳеч кимса билмас.

Қуш эрур, учадир баланд ва баланд, Туш эрур, ўнгингда турса-да гарчанд, Хуш эрур, гоҳида нохуш, нописанд — Муҳаббат, Нимадир ҳеч кимса билмас.

Тонгни тун қилишга қодирдир ўзи, Ёришар тунда тонг — бир оғиз сўзи! Қуёш ҳам, ой ҳам у, сонсиз юлдузи — Муҳаббат, Нимадир ҳеч кимса билмас.

Оҳ чекдим, муҳаббат шудир дедилар, Борни йўқ, йўқни бор қилса шу қилар, Буни на Лайли-ю на Мажнун билар — Муҳаббат, Нимадир ҳеч кимса билмас.

Бир сир бор...

Зайниддин РИХСИЕВ.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ЗИҚНАФАС АЛЛЕРГИЯ ОҚИБАТИМИ?

Қўпчилик аллергияни зумда ўтиб кетадиган оддий ҳолат деб билади. Чиндан ҳам шундаймикан?

Аллергия ўткинчи ҳолатми ёки жиддий ҳасталик? Ёзу республика илмий-ихтисослашган Аллергология марказининг раҳбари, Европа Аллергологлар академиясининг аъзоси, профессор Озодбек НАЗАРОВАга ана шу савол билан мурожаат этидик.

— Уй чанги, ҳаводаги губор димоққа кирганида ёки баъзи бир мева шартлатларини ичганда танада қичишиш юз бериши мумкинлигини қадимги табиблар ҳам ёзиб кетишган. XIX аср охирида яшаб ўтган педиатр олим Пирке ушбу аломатларни умумлаштириб, аллергия деб атади. Уша даврда аллергияга учраганлар бармоқ билан сарнари бўлса, бугунга келиб ер аҳолисининг тўртдан бир қисми шу ҳасталикка мубтало. Экологик муҳитнинг бузилиши, озик-овқат маҳсулотлари таркибиди турли кимёвий моддаларнинг қўйилиши, сунъий толали матодан тикилган кийим-кечакларни узоқ вақт кийиб юриш, ҳар хил дори-дармонлардан ўзбилармонлик билан фойдаланиш, асаб тизимининг толиқиши каби бир қанча ҳолатлар аллергиянинг сабабчиси.

— Баъзилар «қуруқ ҳаво бўлса аллергиям кўзийди» дейишади. Ёки айрим аёллар «уй супуролмайман, чангга аллергиям бор» дея ўзларини эхтиётлашади. Ҳатто атир хидлаганида ҳам кимларнингдир димоқига кучли таъсирлангани юз бераркан. Кишидаги бундай ҳолатларнинг сабаблари қандай аниқланади? — Аллергик тумовнинг мавсумий ва доимий турларини кузатиш мумкин. Маданий ва ёввойи дархат ҳамда ўсимликлардаги чанг зарралари мавсумий ринитни келтириб чиқаради. Ҳасталикнинг доимий тури эса уй чанги таркибидидаги канчалар, парвёстик пари, кутубхона гардидан пайдо бўлади. Шунингдек, уй ҳайвонларининг туқлари, казоқлари ва сувараклар ҳам аллергия ташувчилардир.

Беморларга ҳасталикнинг клиник белгиларини қайтарувчи ва аллергия яллиғланшиши қайтариувчи дори-дармонлар буюрилади. Яъни таъсир қуввати узоқ муддатга сақланадиган таблеткалар (кларитин, лотанакс, гисталог, гисманал, задитен) лар, бурун бўшлиғига юбориладиган суюқлик (алдицин, аллергодил, бекназа) лар, ҳўзи шиллик қавати яллиғланшиши тўзатувчи томчи дориладан (кузирком, оптихром)лардан фойдаланилади.

— Бордию, аллергия сурункали ҳолатга ўтса-чи? — Бу жуда хавфли. Ўз вақтида даволанмаган аллергия тумов (ринит) пастки нафас олиш аъзоларини зарарлайди. Бора-бора астма (зиқнафас) ҳасталигини келтириб чиқаради. Касалликнинг оғир ҳолатида беморда давомли бош оғриғи юзага келади. Ҳозирлик, тез чарчаш, хотирининг пасайиши кузатилади. Аячлиқни шундаки, киши узоқ вақт аллергия тумов билан оғиб, керакли муолажани олмаса, ёш ўтгани сайин меҳнат қобилиятини йўқота борилади. Баъзида беморлар ҳатто ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Марказимиз томонидан ишлаб чиқилган, махсус дастурга кўра кишилар ўртасида аллергия тумов, бронхит ва астмани барвақтроқ аниқлаш, ҳисобга олиш ва ўш муддатда муолажа тайинлаш чоралари қўриллапти. Вилоятдаги «Аллергия мактаблари»да фаолият юритаётган мутахассислар аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Марказимизда «Сиз ва сининг оилангиз астамага қарши нима қила олади?» оилавий маслаҳатхонаси тайёрланган. Бу китобча бутун бир оила учун ҳажжи қўлланма вазифасини ўтайди. Аллергиядан сақланиш учун болалар уй ҳайвонларидан узоқроқ юриши, аёллар уйни супуриб-сидириши бурунга намрок латта ёки доқа никоб тақиб олиши, катта ёшдаги одамлар ҳаво чанглари ва губоридан, айниқса дархатлар гулга кирганида жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Аллергик ҳасталикка чалинган киши теъдда шифокор хузурига бориб, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар олиб туриши керак.

Суҳбатдош: Г. ЖАМИЛОВА.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси таълим ва фан ходимлари Наманган вилояти касаба уюшма қўмитаси раиси **ТОХИРАХОН МАРИЗАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«Акустика» (юнонча-эшитаман) товушнинг ҳосил бўлиши, муҳитда тарқалиши ҳамда уни ўлчаш усулларини ўрганади. Товуш ёки товуш тўлиқини кўпинча, эластик жисмларнинг тебраниши ёки даврий кўчлар, масалан ўзгарувчан ток тебранима ҳаракатининг муҳитда (газ, суюқлик, қаттиқ жисм ва ҳақозо) узатилиши туфайли содир бўлади.

«Антибиотик» — грекча сўз бўлиб, «анти» — қарши, биос — «ҳаёт» демакдир. Масалан, кишиларнинг ҳайвонлар ва ўсимликларнинг соғлиғига таъсир этиб, уларда юқумли касалликлар пайдо бўлишига сабабчи микроорганизмлар бир тасаруф бўлса, антигонист деб ном олганлари бир тараф дейиш мумкин. Улар ўз рақибларига қарши захарли моддалар ишлаб чиқаради.

«Полиглот» — аслида грекча сўз бўлиб, «кўп» ва «тил» деган икки сўздан таркиб топган, яъни кўп тил билувчи киши демакдир. Полиглотлар орасида энг машҳури Франк-Фурт-Майн шаҳрида яшовчи немис тилшуноси Л.Штютц бўлса керак. У оз эмас, кўп эмас, балки 270 тил тилда сўзлаша олган.

«Биллур» (Хрустал) — юнонча «кристалл» сўзидан олинган бўлиб, жилваланиш ва нур синдириш хусусиятлари кўра тоғ биллурига айнан ўхшаш бўлганлиги учун шу ном билан аталган. У кимёвий тузилиши жиҳатидан қотирилган шиша бўлиб, шишанин аъло нави ҳисобланади. Биллурнинг бошқа кил шишаларда учрамайдиган қатор ноҳад хусусиятлари ҳам бор.

«Мармар» — қадимий юнонча мармарос-мармайро, яъни ялттирамоқ фельддан ясалган. Мухташам саройлар солишда ишлатилган. Бу тош ўзининг ялттирамоқ хусусиятлари учун шундай ном олган.

А. АЛИЕВ.

Биласизми?

ISHONCH
Бош муҳаррир **МУАССИС:**
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатл. р. реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.15

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.